

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

ҚАҲРАМОН НАЗИРОВ

ҒИЖЖАКДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУЙЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ

*Маданият тизимидаги олий ўқув юртлари, мусиқа ва санъат лицейлари ҳамда
коллежлари учун ўқув қўлланма*

«Musiq» нашриёти
Тошкент
2011

Мазкур ўқув қўлланма маданият тизимидаги олий ўқув юртларининг талабалари, мусиқа ва санъат коллежлари ҳамда лицей ўқувчилари учун мўлжалланган.

Қўлланмага асосан ўзбек халқ ва мумтоз куйлари, бастакорлар ижодидан намуналар киритилган бўлиб, асарлар айнан устоз санъаткорларнинг ижроларидан нотага олинди. Ушбу қўлланма назарий ва амалий қисмлардан иборат.

Тузувчи ва

ноталаштирувчи: **Қахрамон Назиров** – *Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолгуларида ижрочилик» кафедраси доценти.*

Масъул муҳаррир: **Тўхтасин Ғофурбеков** – *Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, санъатшунослик фанлари доктори, профессор.*

Такризчилар: **Анвар Лутфуллаев** – *Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолгуларида ижрочилик» кафедраси мудири, профессор.*

Мурод Тошмуҳаммедов – *Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолгуларида ижрочилик» кафедраси профессори.*

Ўқув қўлланма Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика маркази ҳамда Ўзбекистон давлат консерваторияси Илмий-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилди

© «Musiqа» нашриёти, 2011

© Қахрамон Назиров, 2011

ISBN 978-9943-307-...-

КИРИШ

Ғижжак сози – ўзига хос майин ва сержило садоланиши, инсонларнинг гоҳ қувноқ, гоҳ ғамгин ички кечинмаларига ошно бўла оладиган оҳанглар таратиш хусусияти билан ўзбек халқ чолғулари орасида муносиб ўрин тутади.

Ғижжак қадимий чолғулардан бўлиб, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур яшаб ўтган замонларда ва ҳозирда ҳам халқимизга маънавий мерос намунаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Машҳур бастакорларимиздан Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Юнусқори Юсупов, Дони Зокиров, Ғанижон Тошматов, Ғуломжон Рўзибоев, Сайфи Жалил каби устоз санъаткорлар ғижжак чолғусида моҳир созанда сифатида самарали ижод қилишган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ҳожиқулов, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ўлмас Расулов, Қахрамон Комилов, Турсунбой Жўраев, булар қаторида Муҳаммаджон Мараҳимов, Аҳмаджон Дадаев, Мирҳосил Азизов, Ўткир Қодиров, Салоҳиддин Азизбоев каби истеъдодли издошлар устозлар йўлидан бориб, моҳир ғижжакчи ва бастакор сифатида танилдилар.

Ўтган йиллар мобайнида ғижжак чолғуси учун анъанавий ижрочилик услубиятига оид бир қатор дарсликлар ва қўлланмалар нашр этилди.

Жумладан: Мурод Тошмуҳамедовнинг «Ғижжак тароналари», «Ғижжак дарслиги», «Ғижжакда анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш», «Ғижжак альт дарслиги», Қахрамон Назировнинг «Ойбулоқ», «Абдуҳошим Исмоилов» каби тўплам ва ўқув қўлланмаларидан ўрта ва олий мусиқа таълим муассасаларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Айни пайтда миллий қадриятларимиз тикланиб, маданиятимизга эътибор кучаймоқда ва миллий мусиқа санъатимизни изчил тарғиб қилиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўрта ва олий мусиқа, санъат

таълим муассасаларида миллий мусиқа санъатимизнинг дурдоналари бўлмиш мақомлар, ўзбек классик ва халқ куйлари, кўшиқлари, яқин ўтмиш ва замондош бастакорларнинг ижодлари кенг ўрганилмоқда. Талабалар бир томондан, устоз-шогирд тизимида, яъни оғзаки тарзда, эшитиб ўрганиш анъанасига таянсалар, иккинчи томондан, устоз санъаткорларимизнинг ижроларидан бевосита ёзиб олинган аниқ нота матнларидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Табиийки, узвий бирлаштирилган ҳар иккала услуб энг мураккаб асарларни ҳам аниқ ва пухта ўзлаштиришда ўз ижобий таъсирини кўрсатади, бадий самарасини беради.

Ушбу тўпلامда келтирилган асарларни нотага кўчиришда ўзбек анъанавий ижрочилигига монанд бўла оладиган умумбашарий мусиқа безакларидан, яъни форшлаг ва унинг турлари, трель, глиссандо кабилардан керакли ва ўринли фойдаланишга ҳаракат қилдик.

ҚўЛЛАНМАДА ФОЙДАЛАНИЛГАН БЕЗАКЛАР НОМИ, ТАЪРИФИ, НОТАДА ЁЗИЛИШИ

ФОРШЛАГ¹ ва унинг турлари:

ЮЗАКИ ФОРШЛАГ² – (нотада ичи бўялмаган ҳолда ёзилади) – ижро этилаётган товуш садоси узилмасдан туриб,



бармоқни торга охиста сал теккизиш йўли билан, яъни уни босмасдан ижро этилади.

ҚИСКА ФОРШЛАГ³ – (чизик тортилган)

Муסיқанинг характери ва услубига биноан асосий нотани чўзиш ҳисобига ижро этилади.



ҚЎШ ФОРШЛАГ⁴ – кейинги асосий нотани чўзиш ҳисобига ижро этилади.



ТРЕЛЬ⁵ – икки ёнма-ён (асосий ва устки ёрдамчи) товушларни тезкорлик билан навбатма-навбат ижро этишдир. Ўзбек анъанавий ижрочилигида трель ҳам кўп қўлланади.



¹ Форшлаг немисча vor – аввал ва shlag – урмок сўзидан олинган. Ўзбек созандачилигида қочирим деб аталади.

² Тошмухамедов М. “Ғижжак тароналари” Т.; Ғофур Ғулом, 1983, 8-б.

³ Григорян. А. Г. “Начальная школа игры на скрипке”. М.; Музгиз, 1961, 127-128-б.

⁴ Риман. Х. Музыкальный словарь. М., 1896, 908-б.

⁵ Трель италянча trillare – дирилатиш сўзидан олинган.

ГЛИССАНДО – маълум товушдан бошқа товушгача бармоқни тордан кўтармай, сирғалтириб, узмасдан ижро этиш.



Бутун дунёда қабул қилинган ягона нота ёзувида товушлар оралиғи ярим тон, яъни ярим парда тарзида қилиб белгиланган. Кўп шарқ халқлари қатори, ўзбек анъанавий ижрочилигида ярим пардалар оралиғидаги товушлар бевосита мустақил ўрин тутади. Лекин шу билан бирга, миллий ижрочилигимизда кенг қўлланиладиган чорак пардаларни нота ёзувида белгилаш учун мавжуд \sharp – диез ва \flat – бемоль белгиларидан фойдаланишимиз мумкин.

Диез белгисининг ўнг томондаги чизикчаси ёзилмайди, одатдагидек, пастки ва юқоридаги чизиклари қайси нотага қаршли эканлигини билдиради.

НИМДИЕЗ \sharp – худди диез белгиси каби нота олдига ёзилади ва ўша нота товуши чорак тон, яъни чорак парда юқори оҳангда ижро этилади.

НИМБЕМОЛЬ \flat — бемоль белгисини ичи бўялган ҳолда ёзилади. Бу белги ҳам қайси нота олдига ёзилса, ўша нота товуши чорак парда паст оҳангда ижро этилади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ғижжакнинг симлари кварта ёки квинта, яъни тўрт ё беш товуш поғоналари орасида соланади. Табиийки, шунга қараб, ғижжак дастасида чап кўл бармоқларининг жойлашиши ҳар хил бўлади. Шунинг учун созанда қўлланмада келтирилган куйларни ўзлаштиришда ва ижро этишда ғижжакнинг у ёки бу созланиши бўйича ҳосил қилган ўз ижро кўникмаларига таяниб, ғижжак дастасида бармоқлар жойлашишини эркин танлаши мумкин.

АСАРЛАРГА ШАРҲЛАР

Азим дарё – (С 30 25891 004)¹ Фарғона-Тошкент чолғу йўлида ижро этиладиган машҳур ўзбек халқ куйи. Ўзбекистон халқ артисти Гуломжон Ҳожиқулов ижросидан нота ёзувига кўчирилди. Созанда куйнинг номига монанд, «Азим дарё», яъни кенг иборасини ижро амалиётида усталик билан кўллай билган. Ҳақиқатан, куйнинг хоҳ бошланғич, хоҳ авж жумлалари бўладими, ижрочи камон имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, куйга кенг мусикий-бадийлик тусини бера олган.

Энг асосийси, аввало, куйда ўзбекона оҳангга хос бўлган товушларни, яъни ярим тонлар (пардалар) ораларидаги янграётган чорак ёки чорак пардаларга яқин оҳангларни ҳис қилиб ижро эта билишдир. Бундай оҳанглар куйнинг биринчи жумласидаёқ си нимбемоль, соль нимдиез, қочиримда ишлатилган до нимдиез товушларида ўз аксини топган. Шунингдек, куйнинг уфур қисмида ҳам учрайдиган до нимдиез, соль нимдиез, фа нимдиез товушларида яққол ифодаланган. Куй ижрочи олдида ана шундай талабларни кўяди.

Айрилмасин – (С 30 25392 004) Гижжакчи, бастакор Комилжон Жабборов ижодига мансуб куй. Бу асар ҳам Гуломжон Ҳожиқулов ижросидан нота ёзувига кўчирилди. Асар куйчан, ўйчан характерга эга. Куйни созанда камонни ортиқча босмасдан, оҳиста тортиб, силлиқлик билан ижро этиши лозим.

Халқимиз орасида «Фалончи созанданинг қўли ширин», деган ибора юради. Албатта, бу созанда бармоқларининг чолғу дастасидаги ҳаракати, пировардида ҳосил бўладиган оҳанглар ёқимлилигини назарда тутиб айтилган таҳсинлар бўлса ажаб эмас. Ана шундай хусусиятлар устоз Гуломжон Ҳожиқуловда мужассамлашган. Чунки созанда ижро давомида қандай нола, қочирим, безаклардан фойдаланмасин, ҳаммасини жуда оддий, ёқимли, ўзбекона, ортиқча зеб бермасдан ижро этган. Демак, бу куйни қатъий

¹ Кўлланмага киритилган асарлар ёзилган пластинкаларнинг номерлари.

матнга таяниб, устозлар анъанасини бажарган ҳолда, ортиқча безамасдан ижро этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳаё билан – (С 30 23933 007) Агар устоз Фахриддин Содиков ижодига эътибор берсак, унинг куй ва кўшиқларида юмшоқлик, илиқлик, мусиқа тили билан айтганда, жуда нозик нюансларга дуч келамиз. Фахриддин Содиков Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси қошидаги мақомчилар ансамблида чангчи-созанда, ансамблнинг мусиқа раҳбари бўлиб хизмат қилиш билан бирга, дутор созида ҳам сермахсул ижод қилган, кўплаб шогирдлар тарбиялаган. Унинг асарларидаги илиқлик, юмшоқлик, нозиклик дутордек юмшоқ, майин созни севишидан бўлса, ажаб эмас.

«Ҳаё билан» куйида ҳам шундай сифатлар ҳукм суради. Куй Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов ижросидан нотага кўчирилди. Абдуҳошим Исмоилов куйга муаллиф кўзлаган мақсадга мувофиқ ёндашган. Бу асарда ҳам созанда камонни ортиқча босмасдан, шошмасдан, текис, равон тортиб ижро этишга эришиши лозим.

Фигон – (С 30 23934 007) Халқимиз орасида «Адашганман» кўшиғи номи билан машҳур. Абдуҳошим Исмоилов ғижжакда маромига етказиб ижро этган ва мазкур ижродан нотага кўчирилди.

Куй оғир, вазмин, дардли оҳангда бошланади. Куйнинг бошланиш қисмидаёқ, юқорида айтиб ўтилганидек, чорак пардалар иштирокига дуч келамиз. Бу ерда фа товушини юқорироқ, яъни фа нимдиез оҳангида ижро этиш лозим. Фақат фа нимдиезнигина эмас, ижрочи ўз имкониятларига кўра усталлик билан ёввойи сифатлардан фойдаланиши мумкин. Асарнинг авж жумлалари айтарли қаттиқ овозда ижро этилмайди, пиано ва диминуендо нюанслари орқали таъсирчан бўлишига ҳаракат қилинади.

Кўшчинор – (С 30 19766 003) Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов мусиқаси. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов ижросидан нотага кўчирилди. Куй шошмасдан, ўртача тезликда ижро этилади. Авж жумлалари

баралла, жарангдор овозда янграйди. Авждан кейинги мазкур



парча камонни қаттиқ босмасдан ўта нозиклик билан пиано нюансида ижро этилиши лозим. Шунинг билан бирга, созанданинг маҳорати ва хоҳишига кўра шундай ва шунга ўхшаш тусда ҳам ижро этилиши мақсадга мувофиқ.



Эмасму – (О – 30 34634) Ўзбек халқ куйи , Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхожи Алимахсумов (дунор жўрлигида кўшиқ) ижросидан ғижжак учун мослаб нотага кўчирилди. Куй ўртача тезликда, енгил ижро этилади.

«Эмасму» куйининг ўрта қисми ми бекар товуши билан бошланиши сабабли, давом этиб келаётган соль фригий минор товуш қатори бироз ўзгаради. Бу ҳолат кўп давом этмайди, яна дастлабки товуш қаторга қайтиш созандадан эҳтиётликни талаб қилади. Куй давомида бир неча бор қайтариладиган нақорат парчаларида си товушини чорак парда юқорирок оҳангда си нимдиез қилиб, ля товушини чорак парда пастроқ оҳангда ля нимбемоль қилиб ижро этиш зарур.

Гулзорда – (Д. – 13790) Фахриддин Содиков мусикаси. Ансамбль ижросидан ғижжак учун мослаб нотага кўчирилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, бастакор Фахриддин Содиков асарларида юмшоқлик, ўта нозиклик ҳукм суради. Бу куйда ҳам ана шундай ҳолат кузатилади. Куйининг динамикаси, яъни овоз кўлами ҳатто авж жумлаларида ҳам *mf* (ўртача қаттиқ) кўрсаткичидан ошмайди. Куй давомида бир неча марта учрайдиган мана бу парчалар



камоннинг юқориги ёғоч қисмида Coll legno штрихи билан пиано нюансида ижро этилади. Бу эса, ўз навбатида, куйга ўзига хос безак ва профессионал чирой беради.

«*Бузрук*» мақомидан «*Насри уззол*» – кўпроқ ашула йўли билан машҳур. Устоз хонанда Аскар Эргашев ижросидан ғижжак учун мослаб нотага кўчирилди.

Албатта, мақом куйларини ижро этиш созанда олдига жуда катта масъулият юклайди. Шу боис асарга жуда жиддийлик билан ёндашиш талаб этилади.

Авалло, куй матнини қатъий равишда аниқ ўрганиб, кейин талкин (трактовка) қилиш масаласи ҳал этилиши лозим. Бошланғич жумлалар аста, юмшоқлик билан, кейинги жумла тўлиқроқ овоз билан давом этади ва тугатилаётган бўлим жумласи яна оҳиста, нозиклик билан яқунланади. Асарнинг ўрта қисмидаги фа диездан бошланадиган бўлим пиано нюансида, худди куй ичида яна бир куй бошланганидек муносабатда давом этади. Сўнг аста-секин овоз жонлана бориб, ля нимдиез билан бошланадиган жумла баралла овоз билан камонни тўлиқ, кенг тортиб ижро этилади. Албатта, учраётган чорак пардаларга тааллуқли оҳанглар бажарилиши зарур. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, асарнинг мазкур лавҳасида «Муҳайяри чоргоҳ» намудининг сўзсиз ижро этиладиган ханг парчаси учрайди. Намуд кўпроқ мақом куйларида ижро этиладиган ўзгармайдиган парча.

Демак, бу асар келажакда созанда ўрганадиган янада мураккаброк мақом куйлари учун ҳам замин тайёрлайди, йўл очади.

«*Гўрўгли ва Бозиргон*» достонидан «*Лирик қўшиқ*» – Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов мусиқаси, ғижжак матни Қахрамон Назиров таҳрири остида.

Куй оғир, вазмин, дардли, туғёнларга тўла, трагик характерга эга. Асарда учрайдиган соль нимдиез товуши куйнинг янада таъсирчан бўлишига хизмат қилиши боис, созанданинг диққат марказида бўлиши лозим.

Достонда ҳикоя қилинишича, Гўрўғли¹ билан Бозиргон қиёматли оғани тутиниб, дўст бўлишгандан сўнг Гуржистон шоҳи Хунхор шоҳ уларнинг дўстлигига рахна солиш мақсадида бир жодугар кампирни Чамбил юртига юборган эди. Жодугар бу воқеадан хабардор бўлиб, Гўрўғлининг келиш йўлини пойлаб ётган эди. Гўрўғли келаётганида олдидан икки тиззаси кулоғига етган, бурни ерга теккан, оғзида тиши йўқ, яхшиликка ҳуши йўқ, бу жодугар Гўрўғлини тўхтатиб: «Қаердан келяпсан ўғлим, кел, бир фол очиб кўяй», – деди.

Шунда Гўрўғли:

– Ке, очсанг оча қол, момо, – деди.

Жодугар фол очган бўлиб:

– Эй ўғлим, хато қилибсан, келиб-келиб, катта душманинг Бозиргон билан дўст бўлибсан. У сени алдаб кетган. Паризодингни чўри қилиб Хунхоршоҳга олиб бориб берар, – деб Гўрўғлини чалғитиб, оғзига келганини вайсаб, келса юртинг хароб айлар Бозиргон деб, унга насиҳат қилган бўлди.

Гўрўғли кампирдан бу сўзни эшитиб боши қотди. Паризодинг олар, юртинг хароб айлар, деган сўзлари Гўрўғлининг фикрини бўлди. Жодугар Гўрўғлининг иккиланиб турганини билиб:

– Ўғлим, сан кўп ўйлама, тез изидан бориб, Бозиргоннинг адабини бер, деб, оғзи-оғзига тегмай, ияги бурнини ўпиб, қурбақага ўхшаб вақиллайвериб, Гўрўғлининг миясини қоқиб кўлига берди.

Гўрўғли кампирнинг гапига ишониб ғазаби қайнаб, ундай бўлса Бозиргоннинг додини берай, – деб, йигитларни олдига олиб, Бозиргоннинг йўлини пойлаб ётди.

Бозиргон Гўрўғли билан оғанини бўлдим, энди менга хавф-хатар йўқ, – деб, норнинг устида манглайини шамолга бериб келаётганди.

Шунда Гўрўғли ўқ-ёйини кўлига олиб, Бозиргоннинг кўкрагини мўлжаллаб бирин-кетин уч ўқ отди. Ёйнинг ўқлари Бозиргоннинг сийнасидан кириб ёғирнисидан чиқди.

¹ Раҳимбой Жуманиёзов. “Халқ севган бахши”. Т.: «Фан», 2004, 82-84 б.

Бозиргон ўқларнинг зарби билан нордан йиқилиб тушди ва йигитларни чақириб:

– Тезда бориб, Гўрўғли оғамни чақириб келинг. Мен унинг дийдорини яна кўриб ўлайин, – деди. Гўрўғли Бозиргоннинг бу сўзини эшитиб, душман сўзига алданганини билиб, ўзини отдан тик ташлаб, кўзини ёшлаб, Бозиргоннинг ёнига келиб йиғлайверди.

Бозиргон қонга бўялиб ётган ерида жон аччиғида фалакдан шикоят қилиб бир ғазал айтди:

*Бемаҳал келдинг ёнима,
Ҳар бир бошда ўлим бордир.
Бўядинг қизил қонима,
Ёлғиз бошда зулм бордир.*

*Ажсал етиб чўлда қолсанг,
Йиғлаб келар кимим бордир.
Урушда мингга той бўлган,
Ойсултондек синглим бордир.*

*Армонли ўлдинг Бозиргон,
Тўғри келсанг, ўтарман қон,
Душманларга охир замон,
Ўрта йўлда қазом бордир.*

Куйни Бозиргон ўлимидан олдин фалакдан шикоят қилиб чеккан фарёдини ҳис қилиб ижро этиш мақсадга мувофиқ.

Азим дарё

Ансамбль $\text{♩}=88$
Moderato $\text{♩}=176$

Ўзбек халқ куйи
* ноталаштирувчи Қ.Назиров

The musical score consists of ten staves of music. The first staff begins with a treble clef, a common time signature, and a key signature of one flat. It contains several measures of music, including a half rest followed by a quarter note, and a dotted quarter note. The second staff starts with a dynamic marking of *mf* and includes a fermata over a measure. The word 'Ғижжак' is written above the staff, and another *mf* marking is below. The third staff continues the melodic line. The fourth staff features a quarter rest followed by a quarter note. The fifth staff has a quarter rest followed by a quarter note. The sixth staff begins with a dynamic marking of *mf*. The seventh staff contains a dynamic marking of *p*. The eighth staff continues the melodic line. The ninth staff has a dynamic marking of *p*. The tenth staff concludes the piece with a final measure.

* Тўпلامга киритилган барча куйларни Қахрамон Назиров ноталаштирган.

f

mf

Ансамбль

mf

Гижжак

f

p

f

mf

tr

Detailed description: This is a musical score for a piece, likely in a minor key. It consists of 12 staves of music. The first staff begins with a treble clef and a key signature of one flat. The music is written in a 2/4 time signature. The score includes various dynamics such as *f* (forte), *mf* (mezzo-forte), and *p* (piano). There are also articulations like *tr* (trill) and *mf* (mezzo-forte). The word "Ансамбль" (Ensemble) is written above the sixth staff, and "Гижжак" (Gijjak) is written above the seventh staff. The music features a mix of eighth and sixteenth notes, often beamed together, and some longer note values. There are several slurs and phrasing marks throughout the piece.

♩=92

♩=276 "Азим дарё" уфориси ансамбль билан биргаликда, шошмасдан

Айрилмасин

Andantino $\text{♩} = 72$

Комилжон Жабборов

ансамбль

mf

p

ҒИЖЖАК

mf

p

mf

p

mf

p

mf

p

mf

p

mp

3

p

mf

p

p

tr

tr~~~~

ансамбль

mf

Ғижжак

p

rit.

секинлатиб

Andantino ♩=69
Ансамбль

Ҳаё билан

Фахриддин Содиков

3/4 *mp*

ҒИЖЖАК *p* *tr*

mp

f

tr

----- Мазкур белгилар оралиғидаги парчаларни ансамбль ижро этади.

Ансамбль

Ғижжак

tr *tr*

p

mf *f*

p

tr *

p

tr

||: — Қайтариш ижросида нола, ритмик жиҳати, безаклари ранг-баранг ҳолатда бўлиши мақсадга мувофик.

ФИҒОН

Ўзбек халқ куйи

Andantino Ансамбль

The musical score is written for a single melodic line in 2/4 time, featuring a key signature of one flat (B-flat). It is divided into two main parts: an ensemble section and a ghijjak section.

- Ensemble Section (Ансамбль):** This section begins with a *mf* dynamic. It consists of several lines of music, including a *gliss.* (glissando) passage. A repeat sign with a double bar line and a first ending bracket is present.
- Ghijjak Section (Ғижжак):** This section starts with a *p* (piano) dynamic and continues with more melodic lines, including a *mf* (mezzo-forte) passage.

The score concludes with a final line marked *mf* and a double bar line with repeat dots, followed by a first ending bracket.

Қўшчинор

Moderato $\text{♩} = 92$
Ғижжак

Хожи Абдулазиз Абдурасулов

The musical score for "Қўшчинор" is written in 3/4 time with a tempo of Moderato (92 bpm). It consists of 11 staves of music. The key signature has one sharp (F#). The score includes various dynamics and articulations:

- Staff 1: *mp* (mezzo-piano), starts with an accent (^).
- Staff 2: *gliss.* (glissando) at the end.
- Staff 3: *trill* (trill) over a note.
- Staff 4: *mf* (mezzo-forte) at the end.
- Staff 5: *mf* (mezzo-forte) at the end.
- Staff 6: *mp* (mezzo-piano) at the end.
- Staff 7: *mf* (mezzo-forte) at the end.
- Staff 8: *f* (forte) at the end.

This page of musical notation consists of ten staves of music in treble clef. The notation includes various rhythmic patterns, slurs, and dynamic markings. The first staff begins with a melodic line featuring slurs and accents. The second staff continues with similar melodic lines, including a trill-like figure. The third staff features a more complex melodic line with many slurs. The fourth staff starts with a dynamic marking of *mf* and includes a trill-like figure. The fifth staff continues with a melodic line. The sixth staff features a melodic line with a trill-like figure. The seventh staff includes a dynamic marking of *mp* and a trill-like figure. The eighth staff includes a dynamic marking of *p* and a trill-like figure. The ninth staff includes a dynamic marking of *p* and a trill-like figure. The tenth staff concludes the piece with a double bar line.

Эмасму

Andantino ♩ = 180.

Ўзбек халқ куйи

Ғижжак ♩ = 60

The musical score is written in 3/4 time with a key signature of two flats (B-flat and E-flat). It consists of a main melody and a Ғижжак accompaniment. The tempo is marked 'Andantino' with a quarter note equal to 180 beats per minute. The Ғижжак part is marked with a quarter note equal to 60 beats per minute. The score includes various musical notations such as slurs, trills (tr), and dynamic markings (mp, p). The melody is primarily composed of eighth and quarter notes, often with slurs and trills. The Ғижжак part consists of a steady eighth-note accompaniment. The score is divided into ten systems, each containing a staff for the melody and a staff for the Ғижжак.

Musical staff 1: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note. The dynamic marking *p* is placed below the staff.

Musical staff 2: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note. The dynamic marking *mf* is placed below the staff.

Musical staff 3: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note.

Musical staff 4: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note. The dynamic marking *f* is placed below the staff.

Musical staff 5: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note. The dynamic marking *mf* is placed below the staff.

Musical staff 6: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note.

Musical staff 7: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note.

Musical staff 8: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note.

Musical staff 9: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note. The dynamic marking *mp* is placed below the staff.

Musical staff 10: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note.

Musical staff 11: Treble clef, key signature of two flats. The staff contains a melodic line with a trill (tr) over a quarter note. The dynamic marking *p* is placed below the staff. The instruction *rit. секинлатиб* is placed below the staff. A fermata is placed over the final note of the staff.

Гулзорда

Фахриддин Содиков

Allegretto ♩. = 100

Ғижжак

The musical score consists of ten staves. The first two staves are for the piano, with the right hand in treble clef and the left hand in bass clef. The tempo is Allegretto at 100 beats per minute. The key signature has one flat (B-flat). The score includes various dynamics: *mp* (mezzo-piano), *p* (piano), and *mf* (mezzo-forte). There are also articulation marks such as accents and slurs. The violin part starts on the fifth staff, with instructions for *Col legno* and *arco* playing. The score concludes with a double bar line on the tenth staff.

mp

gliss.

mf

mf

p

p

arco

rit.
sekinlatib

Col legno
p

Насри уззол

Moderato ♩=80

Бузрук мақомидан

Ғижжак

The musical score is written in 2/4 time with a key signature of one sharp (F#). It consists of two staves: a treble clef staff for the melody and a bass clef staff for the piano accompaniment. The tempo is marked 'Moderato' with a quarter note equal to 80 beats per minute. The piece is in the 'Gijjak' mode. The score is divided into ten systems. The first system includes a piano dynamic marking 'p'. The fourth system includes a mezzo-forte dynamic marking 'mp'. The eighth system includes a mezzo-forte dynamic marking 'mf'. The ninth system includes a piano dynamic marking 'p'. The tenth system includes a trill marking 'trill' above a specific note in the melody. The piano accompaniment features a steady eighth-note pattern in the left hand and a more melodic line in the right hand, often mirroring the melody.

This page of musical notation consists of 11 staves in G major. The notation includes various dynamics, articulation, and performance instructions:

- Staff 1: *mp* (mezzo-piano)
- Staff 2: *mf* (mezzo-forte)
- Staff 3: *mf* (mezzo-forte)
- Staff 4: *mf* (mezzo-forte)
- Staff 5: *mf* (mezzo-forte)
- Staff 6: *mf* (mezzo-forte)
- Staff 7: *mf* (mezzo-forte)
- Staff 8: *mf* (mezzo-forte)
- Staff 9: *p* (piano)
- Staff 10: *p* (piano)
- Staff 11: *p* (piano)

Performance instructions include accents, slurs, and a trill in the fourth measure of the fourth staff.

This page of musical notation consists of ten staves of music in a single melodic line, written in treble clef with a key signature of one sharp (F#). The music is characterized by a mix of eighth and sixteenth notes, often beamed together in groups. Dynamics include *mf* (mezzo-forte), *p* (piano), and *rit.* (ritardando). Articulations such as accents, slurs, and a trill (*tr*) are used throughout. The notation includes various note values, rests, and phrasing slurs. The piece concludes with a fermata over a final note.

Лирик кўшиқ

(“Гўрўғли ва Бозиргон” достонидан)

Р.Муродов

Ғижжак матни Қ.Назирова

тахрири остида

Moderato ♩ = 96

Ф-но

mf

mp

Ғижжак

p

First system of a musical score. It consists of three staves: a single treble clef staff at the top and a grand staff (treble and bass clefs) below. The key signature has one flat (B-flat). The first staff begins with a square dynamic marking above the first measure, followed by the dynamic marking *mp*. The grand staff also begins with *mp*. The music features a melodic line in the upper treble and a rhythmic accompaniment in the grand staff.

Second system of the musical score, continuing the three-staff format. The melodic line in the upper treble staff continues with various note values and rests. The grand staff provides a consistent accompaniment with chords and moving lines.

Third system of the musical score. The upper treble staff has several measures of whole rests before the melodic line resumes in the final measure, which is marked with a square dynamic marking and *mf*. The grand staff continues its accompaniment throughout the system.

Fourth system of the musical score. The upper treble staff features a melodic line with some slurs and ties. The grand staff continues with its accompaniment, including some chordal textures.

Fifth system of the musical score. The upper treble staff continues with a melodic line. The grand staff provides accompaniment with a mix of chords and moving lines.

First system of musical notation. It consists of three staves: a single treble clef staff at the top, and a grand staff (treble and bass clefs) below. The key signature has one flat (B-flat). The top staff contains a melodic line with eighth and quarter notes. The grand staff contains a piano accompaniment with chords and a bass line.

Second system of musical notation. It consists of three staves: a single treble clef staff at the top, and a grand staff below. The top staff contains whole rests. The grand staff contains a piano accompaniment with chords and a bass line. A dynamic marking of *mf* is present in the first measure of the grand staff.

Third system of musical notation. It consists of three staves: a single treble clef staff at the top, and a grand staff below. The top staff contains whole rests until the third measure, where it begins with a melodic line. A dynamic marking of *f* is placed above the first note of this line. The grand staff contains a piano accompaniment with chords and a bass line. A dynamic marking of *mf* is placed below the first measure of the grand staff.

Fourth system of musical notation. It consists of three staves: a single treble clef staff at the top, and a grand staff below. The top staff contains a melodic line with a slur over the first two measures. The grand staff contains a piano accompaniment with chords and a bass line. A dynamic marking of *f* is placed below the first measure of the grand staff.

Fifth system of musical notation. It consists of three staves: a single treble clef staff at the top, and a grand staff below. The top staff contains whole rests. The grand staff contains a piano accompaniment with chords and a bass line.

System 1: Treble clef staff with whole rests. Piano accompaniment in bass clef with chords and a melodic line. Dynamic marking *mf* is present.

System 2: Treble clef staff with a melodic line starting with a repeat sign. Piano accompaniment continues. Dynamic markings *f* and *mf* are present.

System 3: Treble clef staff with a melodic line. Piano accompaniment continues.

System 4: Treble clef staff with a melodic line starting with a repeat sign. Piano accompaniment continues. Dynamic marking *mf* is present.

System 5: Treble clef staff with a melodic line. Piano accompaniment continues.

First system of a musical score. It consists of three staves: a single treble clef staff at the top, and a grand staff (treble and bass clefs) below. The key signature has one flat (B-flat). The top staff contains a melodic line with some rests. The grand staff contains a piano accompaniment with chords and moving lines in both hands.

Second system of the musical score. It features three staves. The top staff has a melodic line starting with a *mp* (mezzo-piano) dynamic marking. The grand staff below also has a *mp* marking. The piano accompaniment continues with various chordal textures.

Third system of the musical score. It consists of three staves. The top staff continues the melodic line. The grand staff continues the piano accompaniment with consistent rhythmic patterns.

Fourth system of the musical score. It consists of three staves. The top staff continues the melodic line. The grand staff continues the piano accompaniment.

Fifth system of the musical score, the final system on the page. It consists of three staves. The top staff has a melodic line ending with a fermata. The grand staff has a piano accompaniment that concludes with a final chord. Dynamic markings include *rit.* (ritardando) and *V* (crescendo) in both the top and bottom staves of the grand staff.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Қўлланмада фойдаланган безаклар номи, таърифи, нотада ёзилиши....	5
Асарларга шарҳлар.....	7
Ўзбек халқ куйи – Азим дарё.....	13
Комилжон Жабборов – Айрилмасин.....	16
Фахриддин Содиков – Ҳаё билан.....	18
Ўзбек халқ куйи – Фигон.....	20
Ҳожи абдулазиз Абдурасулов – Қўшчинор.....	22
Ўзбек халқ куйи – Эмасму.....	24
Фахриддин Содиков – Гулзорда.....	26
Бузрук мақомидан – Насри уззол.....	28
Рўзибек Муродов – Лирик қўшиқ.....	31